

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!

O'zingni angl!




HURRIYAT


MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 31-iyul, chorshanba * № 32 (836) * 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ 22 ЙИЛЛИГИ




ЭРТАГА ИМТИХОН!




⇒ 3-бет

"ТАФАККУР" ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА



⇒ 4-бет

ЕР БИЛАН ОЙ САТУРДАН ТАСВИРГА ОЛИНДИ



⇒ 5-бет

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ: ИСТИҚЛОЛ ОЧГАН ИСТИҚБОЛЛАР

Она Ватанимиз тарихида янги саҳифа очилган сана — мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами шодиёналарини тантана қилишимизга ҳам саноқли кунлар қолаётир. Айни шу кунларда, энг улуг ва азиз байрамимиз арафасида диёримизнинг узоқ-яқин гўшаларида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида турли-туман маданий-маърифий тадбирлар, кечалар уюштирилмоқда.

Назаримизда, 1991 йилдан кейин оламга келган авлод улуг неъмат — истиқлолнинг осонликча қўлга киритилмаганини, мустақил тузум исқандаридан халос бўлиб, ўз қадр-қимматимиз, қадрларимизни қайта тиклаб, имон-эътиқодимизга суяниб, тинч ва осойишта ҳаёт қуриш, қолаверса, мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, уни мустақил қилиш йўлида қилинган буюк ишлар, беқиёс бунёдкорликларнинг аҳамиятини теран аңглаб етишлари учун ҳам бундай тадбирларнинг ўтказилиши гоյтада зарур ва муҳимдир. Ҳеч шубҳасиз, ўтган йиллар мобайнида Ватанимизнинг

турли соҳаларда эришган ютуқ ва муваффақиятлари мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти, матонатли меҳнати шарофатидандир. Сир эмас, инсон ҳаётининг маълум бир қисми йўлларда ўтади. Йўллар эса ўзингизга маълум, гоҳ равон, гоҳ нотекинс. Баъзан йўлнинг инжиқлиги тўтса, баъзан миниб бораётган улвингизнинг бир ишқали чиқади. Хуллас, йўлга чиққандан кейин ҳар хил вазиятларга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Бу, айниқса, яқин ўтган замонга тегишлидир десак, янада тўғрироқдир.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш учун биринчи навбатда инфратузилмаларни, хусусан, йўл, транспорт ва коммуникация тизимларини тубдан янгилаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳанинг энг муҳим таркибий қисми саналган темир йўл транспорти ҳам бундан мустақило эмасди. Зотан, мамлакатнинг қон томири саналган темир йўл транспорти тизимида кенг миқёсдаги ислохотларни олиб бормай туриб, Ўзбекистон иқтисодий-ишқисодиётини, халқ фаровонлигини таъминлашдек эзгу саъй-ҳаракатларни амалга

ошириш мушқул эди. Эндиликда кўриб турибмики, соҳада эришилган марралар, улкан бунёдкорликлар ҳаммамизни қувонтирмоқда.

Айниқса, «Навоий-Учкудук-Нукус» темир йўлининг фойдаланишга топширилиши, Хоразм заминига Амударё узра қўша автомобиль ва темир йўл кўприги қурилиши, «Аср қурилиши» дея ном олган 223 километрлик «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» янги темир йўл линиясининг қуриб битказилиши бугун истиқлол солнома-сининг зарҳал саҳифаларидан жой олиб турибди. Энг муҳими, ўтган давр мобайнида темир йўлда юк ва йўловчиларни ташиш ҳажмлари кескин ошди, хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди, ҳаракат хавфсизлиги янада мустақамланди.

2

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Аср адоғидаги буюк бурилиш

Инсоният тарихида баъзан асрларга татиғулик воқеалар, буюк бурилишлар юз бериб туради. XX асрнинг адоғида ана шундай воқеалардан бирига гувоҳ бўлдик: халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди, мустақилликка эришдик, тақдиримизни ўз қўлимизга олддик. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов бошчилигида миллий тараққиёт йўлини танладик, ўз кучимизга, халқимизнинг иродаси, тарихий тажрибасига, ички имкониятларимизга таяниб, улуг истиқбол режаларини туздик. ҳеч кимдан қарз олмадик. Бу улуг неъмат ҳар биримизнинг қалбимизга, онг-шууримизга, фикримизга сингди, турмуш тарзимизни ўзгартирди, улуг ва мўътабар байрамимизга айланди.

2

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида Европа Иттифоқи комиссияси томонидан молиялаштирилган «Аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва ишбилармонлиги марказлари тармоқларини кенгайтириш» лойиҳаси якунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази директори Д.Қобулова ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузи ва обрўсини оқсаттириш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билиминини янада бойитиш, тадбиркорликка оид илғор гоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш масаласига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Бу жараёнда нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилами ҳам тобора кенгаймоқда. Хусусан, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Европа Иттифоқининг аёллар йўналишидаги бир қатор ташкилотлари билан биргаликда «Аёллар ижтимоий фаоллиги ва ишбилармонлиги марказларини ривожлантириш» лойиҳа-

си 2012 йилнинг апрель ойидан жорий йилнинг июнь ойига қадр Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида амалга оширилди. Асосий мақсад — алоҳида ҳимояга муҳтож аёлларни касбга йўналтириш, тадбиркорликка доир билим ва кўникмаларини оқсаттиришдан иборат.

Лойиҳа доирасида аёлларни касбга йўналтириш бўйича ўқув-лабораториялар ташкил этилиб, уларда 660 нафар хотин-қиз таҳсил олди. Юзга яқин аёл учун янги иш жойи ташкил этилди. Олимлар, ҳуқуқшунослар, экспертлар, психологлар иштирокидаги давра суҳбатлари, семинарлар, ҳуқуқий маслаҳатлар ташкил этилиб, хотин-қизларнинг ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашишга, ҳуқуқий, иқтисодий билиминини оқсаттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Лойиҳа доирасида Қўқон шаҳрида пазандлик лабораториясини ташкил этиб, унда 240 нафар алоҳида эҳтиёжли хотин-қизга касб-ҳунар ўргатдик. — дейди Фарғона вилоятидаги «Азим тафаккур» ишқисодиёт маркази раҳбари Саида Тўрақулова. — Айни пайтда 50 нафардан зиёд аёлнинг имтиёзли кредит олишига кўмаклашдик. Қирқ нафардан ортқ хотин-қиз қандолат цехлари, ошхона ва дўконларга ишга жойлашди. 100 нафардан ортқ аёл вилоятнинг чекка туманларидаги қишлоқларда ўз оилавий тадбиркорлик ишини йўлга қўйди.

Давра суҳбатида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва тадбиркорлигини ривожлантиришга оид лойиҳалар қўламинини янада кенгайтириш юзасидан фикрлашилди.


Назолат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

ОБУНА — 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! «HURRIYAT» газетаси маънавиятинини янада бойитишда, ижтимоий фаоллигинини оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замовдошларимиз ҳамжihatлик билан бжараётган хайрли ишларнинг фаол тарабдорисидир. 2013 йил иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Сиз ҳам жамоатчилиқдан четда қолманг. Обуна бўлинг!

«HURRIYAT» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ХАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ




Заманиб утамиз: «HURRIYAT»нинг лойиҳа индекси — 233

2013 йил — Обод турмуш йили

УЙФОНАЁТГАН ГЎЗАЛ

(Мустақиллик байрами арафасидаги ўйлар)

Истиқлол шарофати билан водийнинг сўлим ва гўзал шаҳарларидан бири Фарғона бутунлай янги қиёфа касб этди. Мамлакатимиз ҳуқумати томонидан шаҳарнинг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилиниб, ҳусну малоҳати бетакрор бу масканнинг янада кўркам ва фусункор қиёфа касб этиши учун улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.



3

УЙҒОНАЁТГАН ГЎЗАЛ

(Мустақиллик байрами арафасидаги ўйлар)


(Баҳанининг 1-бети)

Ҳозир бу ерга келган одам шаҳар ободлиги йўлида замондошларимиз ўз қўллари, ақли-шуури билан амалга ошираётган сайё-ҳаркатларини кўриб, ҳайратланмай иложини йўқ.

...Яқинда кўшни вилоятда яшайдиган биродарларимиздан бири кўнғироқ қилиб, "Эрта-индин Фарғонага ўтиб, сиз билан бир дийдорлашиб келмоқчиман" деб қолди. "Ба-жонидил, дўстим, хоҳлаган пайтингизда келинг, кўришамиз!" дедим. Бир-икки кун ўтиб, ҳалиги биродаримиз "Биз келдик. Қаерда кўришамиз?" деб кўнғироқ қилиб қолдилар. Авваллари ҳам бир неча бор келгани учун "Бемалол уйга келаверинг, биласиз-ку!" дея ҳовлига таклиф қилдим. Ана кутаман, мана кутаман, қани меҳмонлар келишса, денг?! Хавотир ола бошладим. Кўнғироқ қилиб, нега ҳанузгача дараклари йўқлигини сўрасам, "Э, домла, адашиб қолдик, шекилли. Уйингизни тополмаямиз. Нима қилишимизни билмай, аэропортда турибмиз" деса бўладими?

Мен ўзим чиқиб, учрашдим. Дўстим ҳайрат ва ҳаяжонини яширолмади: "Ахир, бу ерларга келганимга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ-ку! Шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди-я! Янги ўйлар, ҳашаматли бинолар, айланма кўчаларни кўриб, бошимиз ҳам айланиб қолди!"

Дўстимнинг ҳайрати меннинг кўнглимни ифтихор ҳиссига тўлдирди. Чиндан ҳам, Фарғона шаҳрини тубдан қайта қуриш ва реконструкция қилиш дастури ишлаб чиқилганига бир йилдан сал ошди, холос. Аммо шу қисқа муддатда шаҳримиз қиёфаси кўрғани кўзни қувнатадиган, бермисл даражада ўзгариб кетди. Шаҳарни тубдан қайта қуриш учун ажратилган 1,3 триллион сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиб, натижада 11 километрик шаҳар ҳалқа йўли ҳамда 2,8 километрик маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўли қурилди ва қайта таъмирланди. Мазкур иншоотлар ёнига яна



М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

225 дан ортиқ ижтимоий-маиший бино ва хизмат кўрсатиш объектлари, иккита кўп қаватли уй-жой, иккита бозор, бешта истироҳат боғи ва дам олиш хиёбонлари, 8 та фаввора янгитдан барпо этилганни, жадал суръатлар билан қурилаётган минг ўринли Санъат саройи, беш ўз томошабинга мўлжалланган амфитеатрни, Мустақиллик кўчасидаги савдо маркази ва унинг атрофидаги хизмат кўрсатадиган объектларни ҳам қўшадиган бўлсак, шаҳар қиёфаси тубдан ўзгариб кетганига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас.

Дарҳақиқат, мустақиллик одамларнинг ҳаётга қарашини бутунлай ўзгартириб юборди. У, аввало, шахсининг ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англаб етишига имкон яратди. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши топиб-тутиб, турмушини, ҳовли-жойини обод қилаётди. Нафақат шаҳарлар-у туманлар маркази, балки чекка қишлоқлар ҳам чирой очмоқда.

Атрофга ҳавас-ла тикилган. Ҳар қадамда авиакасса,

маиший хизмат кўрсатиш шох-хобчалари, турли русумдаги дўконлар, озода ва шинам ошончалар. Буларнинг бари Фарғона аҳли, унинг азиз меҳмонлари, қолаверса халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган ишлардир.

Биноларнинг олди, атрофи чиннидек тоза бўлишига қарамай, яна кимнингдир сулуриб юрганини, дарахт ёки гул кўчатларини парваришлаганини кўрасиз. Дилингиз яйрайди. Тинч-осойишта ҳаёт мароми қалбларга завқ бағишлайди. Яшайдиган, ишлайдиган жойинг озода, кўркам ва файзли бўлса яхши-да!

Мен Фарғонага ўтган асрнинг 60-йилларида келганман. Фарғона пединститутининг талабаси бўлганимдан завқ-шавқим еру кўкка сикмасди. Биз ёшларга азим чинорлар ва яна номларини билмайдиган турли дарахтлар шаҳримизнинг гулгун либоси бўлиб кўринарди. Очиғи, биз Фарғонани чинорсиз тасаввур қилолмасдик. Эҳтимол, шунинг учундир дастлаб чинор-

лар кесила бошлаганда худди қадрдонидан айрилиб қолаётгандек хафа бўлдим. Ҳолбуки, бу чинорлар шаҳар ҳуснига соя ташлаб турганини билмаган эканман.

Кўчалар бирдан кенгайиб кетди, ёруғлик янада ортиди. Ҳозир вилоят ҳокимлигининг биноси гўё кўлини кўксига кўйиб, "Уш келибсиз, шаҳримизга!" деб кўтиб олаётгандек кўриниб турибди. Йўлнинг икки тарафидаги бир-биридан виқорли, ҳашаматли бинолар ҳавасингизни келтиради.

Хуллас, яхши яшайдиган замон келди. Бунинг учун ҳалол меҳнат қилсанг, топганини ақл-фаросат билан сарфласанг кифоя. Ҳеч ким шўро давридагидек "қаердан топаёсан, нега бошқалардан ўзиб кетяёсан?" демайди. Аксинча, "қандингир у, шовво! Обод турмуш йўлида уйингнинг обод қилаётган экансин, бу маҳаллангни, юртингнинг обод қилганинг. Ватани обод элнинг кўнгли ҳам шод бўлади", дейди.

Ушбу мулоҳазалар шаҳримизга ташриф буюрган

дўстларимнинг ҳайрати ва мактовидан кейин менга тинчлик бермай қўйди. Уларни шаҳар бўйлаб сайрга олиб чиқдим ва ўзим ҳам ҳали кўриб улгурмаган янгиликларни, қурилишларни, кенг, равон кўчаларни, шоду хуррамлик билан ободончиликка ёрдам бераётган одамларни кузатиб, ич-ичимдан қувондим. Озод Ватан фўқароси эканлигидан фахрланиб, тинчлик-осойишталикка шукур қилиб, маҳалласини, турмушини обод қилиш нияти ҳар бирининг кўзидан, юзидан билиниб турибди.

Ҳа, истиқлол Фарғонани янада гўзаллаштириб юборди. У айна кунда ўзига зеб беришда давом этяпти. Яна бирор йилдан кейин келсангиз, бу гўзалнинг ҳусн-тароватига маҳлиё бўлиб, Фарғонада бутунлай қолишга аҳд қилсангиз ҳам ишонмаган!

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон ёзувчилар
юшмасининг аъзоси

Абитуриент – 2013

— Ака, фалончи синфдошим имтиҳонга телефон олиб кирармиш. Бир йўлини қилиб топиб беринг. Мен ҳам шундай қилай!
Сингилнинг бу гапини эшитиб, аканинг фигони фалакка кўтарилди:
— Нега ўзингга ишонмаяпсан? Шунча тай-ёрландинг-ку! Чалғима. Фақат билим ҳаммасини ҳал қилади. Яхшилаб тайёрланган бўлсанг, албатта, ўқишга кирасан.

ЭРТАГА ИМТИҲОН!

Абитуриентларга шу кунларда нима десангиз ҳам ишонади ва ҳатто ирим-сиримларга-да таъсирчан бўлиб қолади. Ҳозир уларнинг зиммасида масъулия кўпроқ. Ахир ўқишга кирса, ота-она, маҳаллакўй олдида юзи ёруғ бўлади.

Қабул жараёнларини кузатар эканман, абитуриентлардан бири қабул квота сонига қараб, яна бири нисбатан талабгорлар камроқ йўналишга ҳужжат топшираётганининг гувоҳи бўлдим. Улар орасида ўз билими, салоҳиятига ишониб, марра чизигига етай-етай деб қолган спортчи-дек жўшқин бир кайфиятда кўзларида учкун порлаётганлари талай. Шунга қарамай, ҳар бирида ҳаяжон ва титроқ, рақибнинг имкониятини чамалашга бўлган қизиқувчанлик яққол сезилади.

Мана, ҳадемай галвир сувдан кўтарилади. Шунда кимнинг қандай тайёргарлик кўргани, кимнингдир фақат омадга таяниб қолгани маълум бўлади. Тест имтиҳонларига кириш арафасида турган абитуриентларнинг бу ҳақдаги фикрларини билиш учун уларни суҳбатга тортамиз.

**Фотиҳбек Абдурахимов,
Андижон вилояти, Пахтабод тумани:**

— Ҳужжатларимни Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетига топширдим. Бу касбни танлашимга, аввало, ўз қизиқишим сабаб. Спортга, айниқса, футболга шийтқим баянд. Келажақда футбол шарҳловчиси бўлиш ниятим бор. Айниқса, ота-онанинг ҳам шу соҳада кўп йиллар меҳнат қилиб, обрў-эътибор топганига ҳавасим келади. Юқоридаги сабаблар мени шу касб томон этаклаган бўлса, ажаб эмас.

**Шахло Муродова,
Самарқанд вилояти:**

— Бугунги кунда ҳар бир абитуриент қатори мен ҳам чуқур ҳис-ҳаяжонлар оғушидаман. Яхши ниятлар билан ЎзДЖТУ инглиз тили филологияси факультетига ҳужжатларимни топширдим. Орузим — инглиз тили ўқитувчиси бўлиш. Мен ушбу билим даргоҳида таълим олиб, ўзим севган касб сир-асрорларини ўргансам дейман. Университетдаги таълим — мақсад йўлининг дебочасидир. Ўтган йили талаба бўлиш бахтига мушарраф бўла олмадим. Ўтган бир йил давомида имтиҳон кунларини интиқ кутдим. Бугун эса, иложи бўлса вақтни бироз тўхтатган ва билимимни янада мустаҳкамлаб олган бўлардим. Нима бўлганда ҳам ўқишга киришга умид боғлаяман. Билимли инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам голиб чиқишига ишончим комил.


Қувонарли томони шундаки, кейинги йилларда ёшларимизнинг ўқишга, билим олишга қизиқишлари тобора ортиб бораёттир. Хусусан, бу йилги тест имтиҳонларига ҳужжат топширган ёшлар ўтган йилга қараганда 10 фоизга ошгани бунинг яққол далилидир. Рақобат кўчган сари эса билимдонлар сафи ҳам кенгайиб бораверади.

Давлат тест марказининг маълумотларига кўра, 2013-2014 йил учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 56 минг 607, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 19 минг 120 ва тўлов-контракт асосида — 37 минг 487 нафар миқдорида; магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 6300, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 1548 ва тўлов-контракт асосида — 4752 нафар миқдорида белгиланган.

Таъқидлаш керакки, бу йил айрим йўналишларга ўзгаришлар ҳам киритилди. Эндиликда Тошкент ахборот технологиялари университетига ҳужжат топширган абитуриентлар тўртта фан бўйича тест саволларига жавоб беришда: математикадан 36 та савол, физикадан 36 та савол, она тилидан 18 та ҳамда инглиз тилидан 18 та савол. Жорий йилдан эътиборан, ҳуқуқшунослик касби бўйича фақат Тошкент Давлат юридик университети ва Қорақалпоғистон Давлат университетиде таҳсил олиш мумкин. Яна бир ўзгариш, олий ўқув юртлири бакалавр босқичига умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида чет тили ўқитувчиларига эътиҳ сезган чекка қишлоқ аҳоли пунктларидан абитуриентларни қабул қилиш белгиланди. Бундай ёшлар ўтиш балларини йўға олмасалар ҳам умумий квоталар доирасида ўқишга қабул қилинади.

Талабалikka даъвогар дўстларимиз шунинг умумтаълимлари, имтиҳонга уяли телефонлар ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириш мумкин эмас. Демак, пухта билим ва тайёргарликка эга йилит-қизларга талаба деган шарафли номга муяссар бўлишларига аминимиз. Бу йўлда барчангизга омад тилаб қолаимиз.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири



Абдуҷалол ТАЙПАТОВ

ИМКОНИЯТ:

мулкдор бўлишнинг афзалликлари

Ўтган аср охирида Қаршининг эски шаҳар ҳудудида биринчилардан бўлиб тадбиркорликни бошлаган Назира опа Шодмонова (Худо раҳмат қилсин) замонавий дўкон очганида кўпчилик ҳайратга тушганди. Чунки ўша йиллари хусусий дўконни одамлар тасаввурига сиғдиролмасди. Ҳамма нарса давлатники, хусусий мулк ҳақидаги тушунчалар энди-энди шаклланаётган эди.

Назира опанинг "Саодат" деб номланган бир қаватли ойнаванд дўконига рўзгор учун керакли ҳамма нарса муҳайё бўлиб, бозорларда, давлатга қарашли дўконларда бу нарсаларни топиш мушкул эди. Одамлар қишлоқлардан "Саодат" дўконини томоша қилиш, кўзини бир қувнатини учун шаҳарга тушганларини кўпчилик яхши эслайди. Ҳамма даврларда биринчи бўлишга интиланларга қийин кечган. Назира опа Шодмонова ҳам маҳаллий амалдорлар билан таллашиб-тортишиб, ҳатто судлашишгача борган.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда кенг миқёсда ислохотлар бошланган Назира Шодмонованинг ишлари ҳам юришиб кетди. Замоннинг зайли билан у меҳмонхона, ресторан, тўйхона ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларидан иборат йирик савдо мажмуини барпо этди. Бугун опанинг ишини фарзандлари, келинлари давом эт-

тиришмоқда. Айна пайтда ҳам "Меҳриёна" савдо мажмуи Қарши шаҳрининг хуснига кўрк бериб турган ҳашаматли иморатлардан. Ҳа, Назира опа аёл боши билан фарзандларига, набиранларига моддий замин, имконият яратиб кетди. Энди бу мулк унинг бутун авлодига хизмат қилади. Эплаб ишлатилса, уларга кўп йиллар ризқ-насиба улашади.

Менинг катта бувам қишлоғимизнинг бойларидан бири бўлган. Отанинг айтишича, у киши ёшлигида бир бойникида мол боқиб, меҳнат ҳақиқа уч-тўртта қўй, эчки олган экан. Уша жониворларни кўпайтириш ҳисобига бойиб кетган дейишади. Колхозлаштириш даврида шўролар бувамини қулоқ қилиб, мингдан зиёд қўй-эчкисини тортиб олган. Унинг фарзандлари узок йиллар таъқиб-у, камситиш, тазйиқларга дучор бўлган.

Собиқ мафкура "ўз умри давомида" бизни бойликдан ҳазар қилиш руҳида тарбиялади. Бадний асарларда, ҳатто эртақларда ҳам бой одам салбий образда, камба-

иборани такрорлашни яхши кўради.

Яна бир синфдошим бор: мактабни битирганидан буён бирон жойда ёлчиб ишламади. Тиббиёт институтига ўқишга кирувди. Қийин экан, деб ташлаб кетди. Кейин қисқа муддат икки-уч идорада ишлади. Бировини "маошини ўз вақтида бермас экан", бошқасини "иши кўп экан", деб ташлади. Ишлагани хонарижа ҳам бориб келди, бўлмади. Ўн йиллардан буён ҳеч қаерда ишламади. Қишлоққа борсам, йўл четида бекорчилар билан қарта ўйнаб ўтирганини кўраман. Бир неча фарзанди бор. Хотини ва болаларининг нафақасига кун кўради. Кўнглида ҳаётда ўз йўлини топиб кетган омадли инсонлар, мулкдорларга нисбатан ҳасад яширин.

Юқоридаги икки инсон ҳаётини кўриб турибдики, жамият аъзоларининг мулкдор бўлишлари ўша жамият учун ҳам, инсоннинг ўзи, оиласи учун ҳам фойдали. Аҳолиси бой давлат қудратлидир ва бундай юрда яратувчанлик, бунёдкорлик янада кўпроқ амалга оширилади.

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманилик Майна Курбонванни кўп йиллардан буён танийман. Майна опа шўролар даврида бригадир, бўлим бошлиғи, раис ўринбосари каби турли лавозимларда ишлаган. Адолатпарварлиги, тўғрисиқлиги туфайли доим раҳбарлар билан тортишиб, бахшлашиб юрарди. Қасбим тақозосига кўра у кишини ҳимоя қилиб мақолалар ёзган-

